## Мустақиллик ва касаба уюшмалари

**Мустақиллик йилларида касаба уюшмалари фаолиятида ҳам қувончли ўзгаришлар содир бўлди. Истиқлол аввал**амбор менинг дунёқарашимни тубдан ўзгартирди. Миллий мафкура, миллий ғоя тушунчаларини теран англай бошладим. Шу ўринда бир мисол айтиб ўтишни истардим. Маълумки, собиқ шўролар даврида оддий ўзбек йигит-қизлари хорижий давлатларга боришни, ўқишни, иш ўрганишни фақатгина орзу қиларди, холос. Менда ҳам шундай орзу йўқ эмасди. Яратганга шукрлар бўлсинким, мустақиллигимиз туфайли 1996 йилда энергетиклар ва кончилар Халқаро ташкилотининг Францияда бўлиб ўтган биринчи қурултойида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Мен ушбу анжуманда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ифодаловчи касаба уюшмаларининг хориждаги иш усуллари билан танишиб қайтдим.**




# КАТТА ЙЎЛДА

Қизил империя ҳукмронлик қилган йилларда нафақат касаба уюшма ташкилотлари, балки барча жамоат ташкилотлари ҳам партия қарорларини оғишмай амалга оширувчига, бир сўз билан айтганда, итоаткор ижрочига айлантирилган эди.

Эндиликда жамоатчилик ҳаракатлари расмиятчилик учун эмас, балки жамиятимизни олға силжитувчи қудратли куч сифатида шаклланиб бормоқда. Бу ўринда энг оммавий бўлган республикамиз касаба уюшмаларининг халқ орасида тобора мавқеи ортиб бораётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Касаба уюшмалари жамоа шартномасига асосланиб меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қила оладиган катта кучга айланяпти. Ҳозирги кунда меҳнатчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, керак бўлса, бунинг учун кураша оладиган ташкилот борлигига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда корхонамизда 1200 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг иш ҳақлари мустақиллик йилларида бир неча баробар ошиб, ўртача 25-26 минг сўмдан иборат бўлмоқда. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 335 нафар ходимга меҳнат таътилига чиқиши муносабати билан 2071,7 минг сўм моддий ёрдам берилди.

Барча ходимларнинг оилавий аҳволини ўрганиб чиқиб, кўп болали ва кам таъминланган 220 нафар оилага 1047,3 минг сўм, ҳисобимизда турган пенсионерларга ёрдам ва қўшимча нафақа ҳисобидан 1015,7 минг сўм маблағ ажратдик.

«Соғлом авлод» йили муносабати билан корхонамиз меҳнаткашларининг фарзандларини соғломлаштириш учун 1063,7 минг сўм сарф қилинди.

Корхонамизда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Шунга қарамасдан электромонтёр Х.Умаров ўз меҳнат вазифаси доирасига кирмаган иш билан шуғулланиш жараёнида фалокатга учраб, ҳаётдан кўз юмди.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси бу ҳолга бефарқ қарамадилар. Улар марҳумнинг беш нафар фарзанди борлигини эътиборга олиб, меҳр-мурувват нуқтаи назаридан унинг оиласига 241.920 сўм миқдорида бир марталик ёрдам пулини ажратди ҳамда энг кичик фарзанди балоғат ёшига етгунга қадар унга 9300 сўмлик нафақа пули тайинланди.

Касаба уюшма қўмитамиз мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш мақсадида ишлаб чиқариш илғорларини тақдирлаш, ночор ва кўп болали оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни режалаштирмоқда. Ушбу мақсадлар учун маъмурият билан ҳамкорликда маълум миқдорда маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Яқин келажакда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришда фаол иштирок этишни, қўмитамиз фаолият доирасини кенгайтиришни, меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалашни такомиллаштириш билан бир қаторда, истиқлол ғояларини изчил тарғиб қилишни кўзда тутганмиз.

**Илҳом ЎРИНОВ,
Жиззах вилояти электр тармоқлари корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

**Айни кунларда Фарғона вилояти ҳудудида 2151 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда 10 минг нафардан зиёд ишчи-деҳқонлар яратувчанлик билан машғул. Ўтган йили фермер хўжаликлари томонидан тайёрлов ташкилотларига 12347 тонна дон, 12589 тонна пахта, 3584 тонна сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди.**

# ФАРҒОНА ФЕРМЕРЛАРИ

## Уларга хориж тажрибаси қўл келмоқда

Вилоятда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари йилдан-йилга чорва моллари наслини яхшилаш ва мева кўчатлари, уруғликларнинг сарасини ажратиб олиш бўйича ҳам бирмунча муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Хусусан, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари зотдор, чет эллардан келтирилган наслли моллар сонини кўпайтиряптилар. «Учкўприк», «Қува», «Олтиариқ» наслчилик, «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги шулар жумласига киради. Фермер хўжаликлари билан наслчилик бирлашмалари орқали тузилган шартномаларга асосан, ўтган йили уларга 600 бошдан ортиқ наслли моллар етказиб берилди.

Бундан ташқари, буғдойнинг серҳосил ва тезпишар навларини танлаш ва кўпайтириш бўйича ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Қувасой шаҳридаги «Азиз» фермер хўжалиги бошлиғи, изланувчан фермер А.Тешабоев томонидан «Фарғона» деб номланган янги буғдой нави яратилди. У туманнинг тошлоқ, камсув экин майдонларига мос тушди. Жорий йилда унинг ҳар гектаридан ўртача 50 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Янги нав тажриба майдонларида гектаридан 70-80 центнергача ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Фермер хўжаликлари раҳбар ва ходимларининг иқтисодий, ҳуқуқий ва касбий билимларини ошириш борасида ҳам муайян юмушлар амалга оширилаётир.

Ўтган йилнинг ноябр ойидан ҳозирги кунгача тегишли дастур доирасида 273 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари малакаларини оширдилар. Вилоят вакиллиги фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи маслаҳат тизимини шакллантириш бўйича беш йилдан буён Европа Иттифоқининг «ТАСИС» Дастури билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. «Хусусий фермерларни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси ва «Ҳудудий қишлоқ хўжалигини ривожлантириш» лойиҳалари экспертларининг яқиндан берган ёрдамлари натижасида ривожланган чет мамлакатлар фермерлик ҳаракати тажрибаларига эга бўлган маслаҳатчи-мутахассислар тайёрланди. Улар Франция, Голландия, Германия мамлакатларида илғор тажрибаларни ўрганиб қайтдилар. Вилоят вакиллиги қошида уларни ва фермер хўжаликлари раҳбарлари билимларини оширишга мўлжалланган ўқув маркази ташкил қилинди. Мазкур марказ замонавий компьютер жамламалари, видео ва аудио воситалари ва ўқитишнинг энг янги техник воситалари билан етарли таъминланган.

Фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар тўғрисида ҳам бироз тўхталиш жоиз.

Кўплаб фермер хўжаликлари раҳбарлари ўзларининг ҳудудларидаги мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларига, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ва қариялар, «Мурувват» уйларига, кам таъминланган оилаларга узлуксиз моддий ёрдам кўрсатиб келишяпти. Хусусан, Фарғона туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги ўтган йиллар давомида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқдаги ўрта мактаб ва болалар боғчасини жорий таъмирлашнинг барча ҳаражатларини ўз зиммасига олди. Тошлоқ туманидаги «Камрах» фермер хўжалиги «Олтин балиқча» болалар боғчасига ўйинчоқлар харид қилинишига 20 минг сўм, тумандаги болалар ва қариялар уйи эҳтиёжлари учун 223 минг сўм пул маблағи ўтказди. Ўзбекистон туманидаги «Умид», «Тадбиркор», Тошлоқ туманидаги «Одилжон» фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам кам таъминланган оилаларга гўшт етказиб бердилар. Шунингдек, улар ҳудудлардаги мактабларнинг аълочи ўқувчиларига ўқув йили мобайнида рағбатлантирувчи стипендиялар ташкил этдилар. «И.Қўзибоев» фермер хўжалиги ҳар йили ўз инкубаторийсида очирилган 1000 донадан ортиқ зотдор парранда жўжаларини кам таъминланган оилаларга беминнат тарқатиб бермоқда.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш ва экспорт қилиш, уларни моддий ресурслар билан таъминлашда 16 та кооператив сервис хизмати кўрсатяпти. Шу билан бирга уларга ажратилган моддий заҳираларни етказиб беришда ҳам намунали хизмат қилиш мақсадида Россия Федерацияси, Белоруссия, Қозоғистон Республикалари билан жами 252 миллион сўмликка яқин шартномалар туздилар ва уларга шу маблағ ҳажмида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бердилар. 260 миллион сўмликдан зиёд кенг истеъмол моллари билан таъминладилар. Ўтган йили Қувасой шаҳрида кооперативнинг балиқчилик тармоғи ташкил қилиниб, Қува, Қувасой, Фарғона шаҳарлари аҳолисига парҳез балиқ гўшти етказиб берилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар жадаллаштирилган сайин олинаётган даромад салмоғи ҳам ортиб бораётир. Демак, бундан кейин ҳам меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси диққатимиз марказида бўлиб қолаверади.

**Сойибжон ҚОБИЛОВ,
фермер хўжаликлари Фарғона вилояти уюшмаси вакиллиги раҳбари.**

## Қувноқ ёз – ўтмоқда соз

## «ҒУНЧА»ДАГИ ҒУНЧАЛАР

Қорақалпоғистонда шу кеча кундузда 32 та болалар оромгоҳи ишлаб турибди. Экологик ноxуш вазият юз берган туман ва шаҳарларнинг болалари эса Тошкент вилоятининг барча қулайликларга эга бўлган оромгоҳларида ёз мавсумини соз ўтказишяпти.

Оролбўйи ҳудудидаги болалар оромгоҳлари тўғрисида гап кетганда Элликқалъа туманида ташкил қилинган учта болалар масканига алоҳида тўхталиш жоиз. Улардан бири Ғ.Одилов номидаги фермер хўжаликлар уюшмаси ҳудудидаги «Ғунча» оромгоҳидир.

Мазкур масканда биринчи босқичда 60 нафар болалар кўнгилли дам олиб, янги-янги ўртоқлар билан танишган, спорт мусобақалари ўтказиб, турли тўгаракларда қатнашиб, кўп нарсаларни ўрганишган эди. Ҳозир бу ерда иккинчи смена давом этаётир. Одил Каримбердиев бошчилигидаги меҳрибон, жонкуяр тарбиячилар, ёшлар етакчилари саъй- ҳаракатлари билан болаларнинг ҳар бир куни сермазмун ўтмоқда. Гуруҳлараро уюштирилган волейбол мусобақалари, шахмат-шашка тахтаси устидаги тортишувларда Бобур Эркабоев, Руслан Жуманиёзов, Санжар Жуманиёзов сингарилар энг юқори натижани эгаллашди. Спорт мусобақаларининг ғоят қизиқарли ўтишида жисмоний тарбия бўйича мураббий Ислом Қурбонбоевнинг изланувчанлиги қўл келмоқда.

Айниқса, мусиқа раҳбари Улуғбек Воисов бошқарган тўгарак доимо гавжум. Бу ерда Қувондиқ Самандаров, Дилфуза Рейимова, Юлдуз Султонова, Матлуба Раҳматуллаева каби ўйлаб ўғил-қизлар мусиқа сирларини ўрганиш билан бир қаторда ўзлари ижро қилган дилрабо куй-қўшиқлар, ашулалар билан тенгқурларини мафтун қилмоқда.

Хуллас, «Ғунча»да ҳаётимиз ғунчалари мириқиб дам олишлари, ёзни соз ўтказишлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

**А. ИСКАНДАРОВ.**

# ОЛОТ БЎЗИ ҚЎЛМА-ҚЎЛ

**«Бухоротекс» акциядорлик жамиятининг Олот тўқув фабрикаси жорий йилнинг олти ойида режадаги 4 миллион 850 минг ўрнига 5 миллион 527 минг погонометр бўз ишлаб чиқарди. 677 минг погонометр қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борадаги режа 114 фоизни ташкил этди. Агар буни сўмга чақадиган бўлсак, 271 миллион 423 минг сўм ўрнига 330 миллион 339 минг сўмлик товар ишлаб чиқарилди.**

Иқтисодий тараққиёт тобора чуқурлашиб бораётган шу кунларда мураккаб муаммолар туғилишига қарамай, давр талабларига мос ишлаётган йирик корхоналар камдан-кам учрайди.

Бу жиҳатдан айниқса «Бухоротекс» акциядорлик жамиятининг Олот тўқув фабрикаси бугунги кунда жаҳон андозаларига мос рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани таҳсинга лойиқ. Ҳозирги пайтда кўп жойларда бу хилдаги корхоналар касодга учраб қолаётганлиги сир эмас. Аммо бу ташкилот 13 йилдирки, ўз обрў-мавқеига эга.

— Бугунги кунда жаҳон андозаларига мос рақобатдош ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз, — деди корхона раҳбари Жуманазар Абдуназаров «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда, — 560 дастгоҳ 1 йилда 11,5 миллион погонометр бўз ишлаб чиқариш қувватига эга. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, апрел, май, июн ойларида дастгоҳларнинг ишлаш қуввати 102 фоизни ташкил этди.

Олти ойлик иш якунига кўра, корхонада барча солиқ тўловларидан ташқари 3 миллион 666 минг сўм соф фойда олинди. Фабрикада асосан 4 та цех мавжуд бўлиб, уларни бошқариш ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда Фарҳод Қурбонов, Музаффар Шукуруллаев, Шомурод Яхшиев, Мурод Очилов, Саодат Қандимова, Гавҳар Хўжақулова сингари мутахассис ва ишчиларнинг хизматлари катта бўляпти.

Корхонани янада йириклаштириб, уни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, илғор технологияни татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси тузиш кўзланаяпти. Уни Германияда ишлаб чиқарилган «Пиканол» дастгоҳлари билан жиҳозлаш учун «Текстима» экспорт-импорт фирмаси билан лойиҳа ишга туширилади. Улар ёрдамида янгидан 60 та чет эл дастгоҳлари киритилади. Бу деган сўз корхонада яна янги қўшимча иш ўринлари яратилиб, кўп миқдорда қимматбаҳо товар ишлаб чиқариш имкони туғилади.

Корхонада ишчилар ижтимоий ҳимояланмоқда. Улар вақти-вақти билан турли жойларга саёҳатга бориб келишяпти, шуни таъкидлаш керакки, бу жамоада ишчилар бепул тушлик билан таъминланмоқда.

Шубҳа йўқки, олотлик тўқувчилар озодлик, мустақиллик байрамининг 9 йиллигига муносиб совға ҳозирламоқдалар.





Республикамиз бугун улкан қурилиш майдонларини эслатади. Жонажон пойтахтимиздагина эмас, вилоят марказларида, ҳатто жаннатмакон ўлкамизнинг чекка ҳудудларида ҳам бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Кўприк ҳамда йўл қурганни элда азиз санашади. Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги Халқлар дўстлиги шох кўчаси ва Гавҳар кўчалари туташувидаги икки сатҳли йўл ечими қурилиш объектида қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Эрта-индин бу ерда қулинг ўлгирсин кўприк ва кўпдан-кўп қулайликларга эга бўлган асосий трасса пайдо бўлади.

**Суратларда: қурилиш майдонидан лавҳалар.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

*Суд залидан*

# ОТ ЎҒРИСИ

... Ҳукм ўқилди. У олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Эсиз умр. Энди у ҳаётининг гуллаган, жамиятга катта фойда келтирадиган пайтида барча неъматлардан бебаҳра бўлади. Аслида бундай бўлмаслиги ҳам мумкинмиди?

Собиржон Суюновнинг эрталабдан безовталанаётганлиги турмушдоши Ферузани беэътибор қолдирмади.

— Тинчликми, бунча безовтасиз?

— Иш чиқиб қолди, Қаршига бориб келмасам бўлмайди.

Қаршига, деб йўлга чиққан Собиржон нима бўлди-ю, йўлни қисқароқ қилиб, қайноғаси Бешбой истиқомат қиладиган «Ҳисор» жамоа хўжалиги тасарруфидаги Лангар томон бурди.

Тун. Қишлоқ аҳли ширин уйқуда. Аксига олиб ўша куни чироқлар ҳам ўчган. Бу эса қинғир ишни амалга оширишда Собиржон учун айни муддао эди.

Тунги «меҳмон» қайноғаси, жиянларини кўриш учун эмас, йўлни отхона сари йўналтирди. Асов отнинг гижинглаб туриши Собиржонни тамшантирмай қўймади. — Эсон-омон кўчага чиқара олсам, буёғига маишат зўр бўлади, тайёр пулку бу, — дея хаёлидан ўтказди, у...

Саросимага тушган Бешбой маҳалла қўмитасига борди. Биров у деса, бошқаси одам қўйиб, бозорларни кўрамиз, деган бўлди.

Собиржон эса бу пайтда отни Деҳқонобод туманидаги Гумбулоқ молбозорида 61 минг 500 сўмга пуллаб, иш кўзлаганидан ҳам силлиқ кечганидан ўзини қўярга жой тополмай Қарши сари жуфтакни ростлаганди.

Лекин Яккабоғ тумани ички ишлар бўлими тезкор гуруҳи ходимлари ҳам анойилардан эмас экан. Собиржонга ўхшаганлар шохида юрса, улар баргида тайёр туришини яна бир бор эслатиб қўйишди.

Суриштирув ва қидирувлар, олди-соттида бозордаги иштирок этган гувоҳларнинг кўрсатма беришлари самараси зое кетмади. Фақат... Собиржонни излаб топиш анча қийин кечди. Мўмай пулни қўлга киритган бу текинтомоқ рўзғорини ҳам, бола-чақасини ҳам унутган, давринг келди, сур бегим, қабилида иш тутиб, ўзига ўхшаганлар билан айш-ишрат қиларди.

Афсуски, унинг таралла бедод кунлари узоққа чўзилмади. Жиноят қидирув бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан Собиржон суд залига, от эса ўз эгасига қайтарилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза ҳам йўқ эмас. Яккабоғда негадир сўнгги пайтларда ана шундай жиноятлар тез-тез содир этилаётганлиги кўзга ташланади. Ачинарлиси, бу жиноятларни содир этаётганларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Хўш, бу кўнгилсиз ишлар туман шаънига, ёшлар шаънига доғ эмасми? Аксарият ҳолларда ёшлар билан ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддиларининг гарданига юкланиб қолаётганлиги туманда ва маҳалла қўмиталари суст ишлаётганлигидан, далолат эмасми?

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**

*Илҳом*

# ОДАМ БОЛАСИНИ ҚИЛМАНГИЗ ЎСАЛ

***Отажон, кечиринг, уятли бўлдим,***
***Сиздан мерос кўза... қолибди синиб.***
***Суюк набирангиз - кенжатой ўғлим***
***Бор айбни бўйнига олди ўксиниб.***

***Койимоқчи бўлдим, айланмади тил,***
***Қўлимдан тутдингиз ғойибдан зотан,***
***Суюк набирангиз - эркатой ўғил***
***Шу таҳлит қутулиб қолди жазодан.***

***Нақадар закийсиз, собитсиз, саҳий,***
***Аммо... кўза эди бағоят гўзал!***
***Ногоҳ овоз келди бамисли ваҳий:***
***«Одам боласини қилмангиз ўсал».***

***Отажон, кечиринг, уятли бўлдим...***

## ҲАЙРАТ

***Нилий гумбаз узра нилий гумбазлар,***
***Бир қатим ип ила чатилган гўё.***
***Тилга эрк беради тахмин, фаразлар,***
***Бу дунё дунё-ю, жаннатми рўё?***

***Шунчалар солиҳми инсон идроки,***
***Идрок этолгайми янгидан дунё.***
***Кўз тинар гумбаздан гумбазга оқиб,***
***Бу дунё дунё-ю, жаннатми рўё?***

***Наҳот шулар лойдан ясалган бўлса,***
***Лойдан ясагандек одамни Худо.***
***Ё шулми орзули илоҳий бўса,***
***Бу дунё дунё-ю, жаннатми рўё?***

***Шубҳасиз, бир сир бор бизлар билмаган,***
***Гумбазлар унсиз бош суяги гўё.***
***Бу бошлар неларни кўрмади экан,***
***Бу дунё дунё-ю, жаннатми рўё?***

***Саволлар... саволлар... жавобсиз, мубҳам,***
***Балки дунё шундан ширин, сержило.***
***Кўз боқиб тўймайди... тупроқ тўлса ҳам,***
***Бу дунё дунё-ю, жаннатми рўё?***

***

***Дўст бошга қарайди, душман оёққа...***
***Бу бизга қадимдан қолган бир мақол.***
***Ота-боболарнинг зиёси ёққан***
***Нур шубҳа остида ўчмоғи маҳол.***

***Аммо... кемиради юракни алам,***
***Боғлар гоҳ ўхшар-ку кимсасиз чўлга.***
***Бу не маломатки, душман ҳам, дўст ҳам***
***Келишиб олгандек қарайди... қўлга!***

***

***Ота кўрманг аёлларга тош,***
***Аёлларнинг тупроғи енгил.***
***Янглишмаган сайқалда наққош,***
***Баҳор эди фақат қурғоқчил.***

***Тоққа боқинг: пўртана қоя,***
***Булутларнинг етмас қучоғи.***
***Бироқ битта тошча кифоя -***
***Харсанг тошлар писта пўчоғи.***

***Тоққа асло тош ота кўрманг,***
***Аёлларга тош отмас оқил.***
***Тоғ йиқилса - тоғ бўлур улкан,***
***Аёлларнинг ... тупроғи енгил.***

***

***Менга ҳам аталган шеърингиз йўқми?***
***Оҳ, ўртаб юборди, жоним, саволинг.***
***Бунча беғуборсан, намунча кўҳлик,***
***Илоё, кўрмагил ҳуснинг заволин.***

***Фақат бахт тилайман сенга юракдан,***
***Ва бехос туяман ўзимни маъюс.***
***Кошкийди... дейману, сукут сақлайман,***
***Ҳали ёш боласан, боласан, афсус...***

## ТЎРТЛИКЛАР

***Баъзан ерга сиғмай кўкка боқамиз,***
***Кўкдан яна ўзни ерга отамиз.***
***Биз киммиз - ерликми, коинот қавми,***
***Дам ерга, дам кўкка қучоқ очамиз.***

***

***Тонг отса тонг отди, деб дўппи отманг,***
***Кун ботса кун ботди, деб ғамга ботманг.***
***Кундузу кечанинг бордир эгаси,***
***Сотсангиз ҳам ўзни арзонга сотманг.***

***

***Эгизак туғилур ҳиммат ва имкон,***
***Бирини биридан кам билма, инсон.***
***Ҳасанни сўксангу Ҳусанни суйсанг,***
***Қаҳрини сочгуси Эгам бегумон.***

***

***Тилга зўр бермагил, тилдан қоласан,***
***Бошга минг бир савдо сотиб оласан.***
***Ошга узатилган қўлда не гуноҳ,***
***Унга ҳам тил ила кишан соласан.***

**Муҳаммад ЗАЙНИДДИН.**



*Мактабгача таълим муассасаларида*

***Чилонзор туман Халқ таълими бўлимига қарашли «Чарос» номли 246-махсус болалар боғчасида нутқида нуқсони бўлган кичкинтойлар тарбияланадилар.***

# БОҒЧАДА - ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Боғча ўз фаолиятини 1997 йилда бошлаган.

- Бино дастлабки кунларда жуда таъмирталаб эди, - дейди биз билан суҳбатда мудира Гулшода Ҳамидова. - Аммо инсон қўли гул деб бежиз айтмаган эканлар. Тарбиячилару логопедлар, бир томондан ота-оналар биргалашиб таъмирлаш ишларини ҳашар йўлида битириб олдик. Барча жиҳозларимизни ҳам ўз кучимиз билан таъмирладик.

Кўп ўтмай боғчада қўғирчоқ театри ташкил этилди. Ўйинчоқлару эртак қаҳрамонлари, саҳнаю жиҳозлар тарбиячи ва логопедлар қўли билан ясалди. Табиийки, қўғирчоқ театрининг артистлари ҳам боғча жамоаси аъзоларининг ўзи.

- Болажонларга вақти-вақти билан қўғирчоқ театримизнинг томошалари намойиш этилади. Боғча опалар, логопедларимиз ўзлари шеър, қўшиқ, ҳатто куй ёзиб болалар билан бирга ижро этадилар. Ундан тушган озми-кўпми маблағга боғча учун зарур жиҳозлар, театр ва тўгаракларимиз учун костюмлар сотиб олинади.

Боғчага келган ҳар бир янги бола жиддий кўрикдан ўтади. Зеро танишув ҳам аввал ундаги касалликка аниқ ташҳис қўйиш билан бошланади. Шундан сўнг зарур муолажа ва машғулотлар белгиланиб, тарбиячи мутахассислар мунтазам равишда машғулотлар олиб борадилар.

Боғчада мавжуд олти гуруҳнинг биттаси кечаю-кундуз ишлайди.

Бу турар жойи узоқ ёки иш билан ғоят банд бўлган ота—оналар учун айниқса қулайдир.

Боғчада эканимизда логопедларнинг саъй-ҳаракатлари эвазига болаларда товуш ва сўзлар талаффузи қай тарзда йўлга қўйилаётганининг гувоҳи бўлдик. Бунда мутахассислар тилни турли ҳаракатларга йўналтирувчи асбоблар, хусусан, зондлардан, кўргазмали қуроллардан фойдаланадилар. Айниқса, товушларни сингдириш мусиқа ёрдамида олиб борилса яхши натижа беради. Бундан ташқари умумий машғулотлар - математика, расм, нутқ ўстириш кабилар ҳам ўтилади.

Албатта, болаларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом қилиб тарбиялаш астойдил ҳаракатни тақозо этади. Бу йўлда айниқса, ўз соҳасининг билимдонлари ва тажрибали тарбиячилардан Олга Нураева, Дилором Файзиева, Любов Қузнецова, Ирина Скоркина, Олга Тянь, логопед мутахассислардан Умида Шокирова, Дилобар Ёқубжоноваларнинг ижодий изланишларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Боғчада соғломлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, мавжуд спорт хонаси ҳамиша гавжум. Сўзимизнинг исботи сифатида боғча болажонларининг волейбол жамоаси яқинда туманда ўтказилган мусобақада фахрли учинчи ўринни эгаллаганини келтириш мумкин. Шунингдек, «Ким эпчилу ким чаққон?», «Энг чиройли спорт бурчаги» каби гуруҳлараро мусобақалар доимо уюштирилади. Спортнинг шашка тури ҳам кичкинтойларнинг севимли машғулотига айланган. Болалар, шунингдек, боғча ҳовлисида мусиқа садолари остида жисмоний машқлар бажаришни ёқтирадилар. Чўмилиш ҳавзаси ҳам болажонлар хизматида. Улар ёзнинг иссиқ кунларида уйқудан олдин мазза қилиб чўмилиб, офтобда тобланадилар.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, боғчанинг ёрдамчи хўжалигида етиштирилаётган дармондориларга бой бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари болажонлар овқатининг хилма-хиллигини таъминламоқда. Ердан қандай унумли фойдаланишни биз шу ерда кўрдик. Қарангки, бўшаган ер қишда иссиқхонага айлантирилиб, янги узилган сархил неъматлар пешма-пеш дастурхонга етказиб берилар экан.

Зеро, гўдакларга бахшида меҳр келажакда ўз мевасини бериши шубҳасиз.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

Умумий таълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш тизимини такомиллаштиришга бағишланган лойиҳани амалга ошириш тадбирлари кўрилмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим марказида уюштирилган семинарлар ҳам айнан шу масалага бағишланди.

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АЖРАТИЛАДИ

Ушбу нуфузли лойиҳа уч йилга мўлжалланган бўлиб, уни амалга оширишни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан Британия кенгаши ўз зиммасига олди. Янги лойиҳа Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилади.

Бунинг учун банк қирқ миллион доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратадиган бўлди. Шу маблағнинг 20 миллиони матбаа эҳтиёжлари ҳамда сифатли қоғозлар учун сарфланади.

Ўқув адабиётлари ва кўргазмали қўлланмаларни сотиб олишга ўн беш миллион доллар маблағ ажратилаётир.

Имтиёзли кредитнинг қолган қисми эса дарслик ва ўқув адабиётларини тайёрлаш билан шуғулланувчи ноширлар, дизайнер ва бошқа мутахассисларга тўланади.

Янги лойиҳа бўйича инглиз тили, информатика, иқтисодиёт, математика, кимё, физика ва бошқа фанлардан кўплаб ўқув адабиётлари чоп этилади.

**Акбар АЛИЕВ.**

# ШИШАДАГИ ДЕНГИЗ

Аквариум — бу мовий океан тубининг рамзий маънодаги жуда кичик макети бўлиб, у қадимдан мавжуд. Дунёда биринчи бўлиб аквариумда балиқ парваришлаган киши милоднинг иккинчи асрида яшаган римлик Люциус Апулей бўлиб, ўз қизиқишлари учун жодугарликда айбланиб, жазоланган эди.

Россияда аквариум Альберт Гамбургер томонидан 1856 йилда ясалган. Улар кўргазмаларда 12 марта олтин медал билан мукофотланган.

Аквариум балиқлари хилма-хил. Лекин ҳозирда кўпчиликни қизиқтираётган балиқларнинг акра, астронотус, хемикромис ва ҳоказо турлари мавжуд. Бу балиқлар тропик иқлимда яшайди. Жанубий Американинг Амазонка дарёси, Африканинг экваториал зонасидаги дарёларда бу хил балиқлар кўп учрайди. Бу балиқлар чиройи билан киши нигоҳини ром этади.

Қисқаси, кейинги пайтда аквариумда балиқ парваришлашга қизиқиш ортиб бормоқда.

**И.АКБАРОВ.**

# МИРОДИЛ АКА ТОШКЕНТДАН «ДАМАС» МИНИБ КЕТДИ

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан жорий этилган «Хазина-4» лаҳзалик пул-буюм лотереясига жами бир миллион беш юз саксон тўрт минг йигирмата ютуқ, жумладан, 5 та «Нексия», 5 та «Дамас», 10 та «Тико» русумли енгил автомашина ва катта миқдордаги пул совринлари қўйилганди. 31 июл куни ютуққа қўйилган «Дамас» автомобилининг илк соҳибига машинанинг калити топширилди. Ютуқ Фарғона вилояти Қува туманида истиқомат қилувчи Миродил Усановга насиб этди.

-Март ойида тасодифан «Хазина-4» лаҳзалик хайрия пул-буюм лотереясини юз сўмга сотиб олган эдим, - дейди хурсандлигини яшира олмай Миродил ака. - Омадим бор экан - «Дамас» машинаси чиқди.

Умумий миқдори 500 миллион сўмни ташкил этадиган мазкур лотереянинг айни пайтда қарийб 100 миллион сўмлиги аҳоли томонидан харид қилинди. Омади чопганлар турли ютуқларнинг соҳиби бўлмоқда. Ана шундайлардан бири - тошкентлик Юсуф Мўминовга «Тико» русумли енгил автомашина насиб этганди. Мазкур лотереядан тушган маблағ Жамғарманинг илмий-маърифий ишларини амалга оширишга ҳамда иқтидорли ёшлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга сарфланади.

*Мунозара учун мавзу*

***Биз - журналистлар учрашув ёки суҳбат вақтида у ёки бу мавзуни ёритмоқчи бўлсак, одатда соҳа мутахассислари билан учрашамиз, уларни суҳбатга тортамиз. Бу сафар мазкур анъанани четлаб ўтиб, соҳаси бошқа лекин ёритилаётган масалага ўз нуқтаи назарига эга бўлган киши билан суҳбатлашишга жазм қилдик.***

# ДИЛКАШУ ДИЛҒАШ НАВОЛАР

Суҳбатдошимиз асли ҳуқуқшунос. Макроиқтисодиёт департаментида хизмат қилади. Таъби назми борлиги хусусидан Забиҳилло Нурулло тахаллуси билан ғазаллар битади, соз чертади, куй басталайди. Демакки, қўшиқнинг қадрига етади. Яхши қўшиқ ошиғи билан бўлган суҳбатимиз қизғин кечди.

**- Забиҳилло ака, суҳбатимизни анъанавий саволдан бошласак: адабиёт ва санъатга хусусан, қўшиқчиликка қизиқишингиз қачон бошланган?**

- Болалигим Тошкентнинг «Динамо» ўйингоҳи ёнида, қирғоқларига, ўша пайтлар сиғмай, ҳайқириб оқадиган Салор бўйи ўтлоқларида мол боқиш билан ўтган. Бу ерда тенгқур ўртоқларим билан Гўрўғли туркумидаги «Ҳасанхон», «Авазхон», «Равшан», «Қундуз билан Юлдуз» ва бошқа достонларни ўқиб, улардан парчалар ёдлаб олардик, бу достонларни кечқурунлари ота—онамга, ака—ука, қўни—қўшниларга ўқиб берардим. Адабиёт ва айниқса, шеъриятга бўлган ҳавас учқунларини қалбимга ўша достонлар солган. Халқ достонлари айни пайтда оҳангдорлиги билан бетакрор қўшиққа ўхшайди.

**- Келинг, энди мақсадга ўтайлик: мумтоз ва замонавий қўшиқларга муносабатингиз қандай?**

- Давр ва замонлар оша сайқал топиб, бизгача етиб келган мумтоз қўшиқларни ким севиб тингламайди! Фурсатдан фойдаланиб, мумтоз қўшиқлар ҳақида ўз фикр—мулоҳазаларимни изҳор этсам. Айрим хонандалар — уларнинг номларини айтиб ўтирмайман — ижро этаётган қўшиқларининг сўзини билиб—билмай бузиб айтадилар, нотўғри айтилган битта сўз матн маъносини ўзгартириб юборади. Масалан, «Тошкент Ироғи» қўшиғи авжида кўпгина хонандаларимиз: «Нетай Мискин каби халқи жаҳон афсонаси бўлдим»: яна бир машҳур қўшиқда: «Агар ошиқлигим айтсам, куйиб жону жаҳон ўртар,

Бу ишқ сиррин баён этсам токи ул хонумон ўртар», дейишади. Юқоридаги биринчи қўшиқда «Нетай Мискин каби халқи..» эмас «токи» дейилиши, иккинчи қўшиқда Машраб ёзганидек »...тақи ул хонумгон ўртар» дейилиши керак. «Тақи» сўзи «яна» , «тағин» дегани.

Алишер Навоийнинг машҳур: «Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб» мисраси билан бошланадиган ғазали кўп хонандалар томонидан ижро этилиб келинади. Бироқ ғазалдаги «Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдига ханжар» мисрасидаги «қилиб» ни «чекиб» «... шабравлар» ни «шабрўлар» деб бузиб айтадилар. Навоий ёр киприкларини шабрав—тункезарлар қўлидаги ханжарга ўхшатади. «Кулуб ўлтирдию илгим чекиб ёнинда ер берди»ни «Келиб ўлтирдию илгим тутиб ёнидан ер берди» деб айтишади. Бунда «келиб» эмас, «кулиб», «тутиб» эмас, «чекиб» бўлиши керак.

«Феруз» ашуласи бошланиши «Мушкин қошингнинг...»ни «Мушкил қошингни», «Қатлим учун насс келтирур»ни «Қатлим учун нос келтирур» деб хато айтишади. Зебуннисонинг машҳур «Самарқанд ушшоғи»даги «Инжост» радифли ғазалининг сўнгги мисраси — мақтаъида хонандаларнинг кўпчилиги. «Закоти ҳусн агар мадиҳи барои ризо» деб куйлашади. Ахир шоира «...барои худо» деб ёзган.

Баъзи ғазал, шеър матнидан эркак ёки аёл киши айтиши лозимлиги билиниб турса—да, бунинг фарқига борилмайди. Масалан, Машрабнинг: «Ажаб Мажнун эрурман дашт ила саҳрога сиғмамдур», деган сўзлар билан бошланадиган ғазалидан кўриниб турибдики, бу қўшиқни эркак киши айтиши керак. Лекин бизда буни аёл хонандамиз ҳам айтади. Ҳазинийнинг «Фарғона тонг отгунча» ғазалида «Мен Вомиқу сен Узро, васлингга етолмасман» мисрасида Вомиқ-эркак, Узро-гўзал қиз. Аёл хонандамиз завқ билан «Мен Вомиқу сен Узро» деб куйлайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир Фузулийнинг машҳур «Қурбон ўлам» радифли мухаммасидаги «...Барқ уриб ойинадек сийнайи софинг кўринур», «...Гул юзингдан менга бир бўса бериб айла закот», «...Сийнамни сийнангга қўйиб жон берайин» деган мисраларни ошиқ эмас, маъшуқа айтса, ҳаё сарчашмаси хира тортмасмикин?

Бошқалар менинг фикримга қўшилмасликлари мумкин, лекин мен таъкидлайманки, эркак ҳам, аёл ҳам бирдек айтса бўладиган ҳамда фақат эркак ёки аёл ёхуд ҳар иккиси қўшилиб айтса бўладиган қўшиқлар бор. Уларни фарқлаб, фаҳмлаб айтиш хонандага боғлиқ.

**—Қўшиқларимизнинг ёшлар камолоти, тарбиясига таъсири ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Бу мураккаб саволга узил—кесил жавоб бериш мушкул. Мумтоз қўшиқларимизнинг ёшларга таъсир қилиши ёки қилмаслигида ўша ёш тингловчининг қандай муҳитда, қандай оилада тарбияланганлиги, унинг маънавияти, маданияти, диди, дунёқараши, хуллас, инсон сифатида қайси негизда шаклланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, ёшларимиз қалбига миллий куй, оҳангни дастлаб она алласидан бошлаб сингдиришимиз керак. Она алласи ҳар қандай наводан афзал ва оромбахшдир.

**Суҳбатдош: Темур УБАЙДУЛЛО.**

*(Давоми бор.)*

«Ҳабиб-Абдумалик» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

**Телефон: 79-84-81**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши маданият ва спорт бўлими бош мутахассиси Мавлуда Шукуровага волидаи муҳтарамаси

**Розия аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**ISHONCH**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00

Буюртма Г— 724.

1 2 3 4 5 6